ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЙЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВ ШИХНАЗАР ДАВРОН ЎҒЛИ

ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА НАВ ЯРАТИШ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР ТАНЛАШ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

УЎТ: 633.11: 631.52

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Комилов Шихназар Даврон ўғли
Шоли навларининг шўрланишга чидамлилигини баҳолаш ва нав яратиш учун бошланғич манбалар танлаш.....

Комилов Шихназар Даврон ўғли
Оценка солеустойчивости сортов риса и подбор исходного материала для селекции .....

Комилов Шихназар Даврон ўғли
Assessment of salt tolerance in rice varieties and selection of primary sources for breeding improvement

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЙЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.08/2025.27.12.Qx.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КОМИЛОВ ШИХНАЗАР ДАВРОН ЎҒЛИ

ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ ШЎРЛАНИШГА ЧИДАМЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА НАВ ЯРАТИШ УЧУН БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР ТАНЛАШ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА)

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Qx1600 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шоличилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.psuyaiti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Қодиров Бахтиёржон Гулмухаммадович** қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Жалолов Хуршидбек Хуррам ўғли** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
	Ходжамбергенов Ганибой Аметович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.08/2025.27.12.Qx.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил _____. соат _____^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент. Университет кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru; Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадкикот институти Бош биноси, 3-кават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадкикот институтининг кутубхонаси. Тел.: (99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2026 йил _____ куни тарқатилди.
(2026 йил .....даги даги 1-рақамли реестр баённомаси)

С-А.Рахмонкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор,
ЎзРҚХА мухбир аъзоси.

М.Б.Халикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, қ.х.ф.д., профессор.

С-А.Рахмонкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация авзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда шоли дунё аҳолисининг ярмидан кўпроғи учун асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Жаҳонда селекция ва генетика соҳасидаги кўп йиллик тадқиқотлар натижасида минглаб шоли навлари яратилган бўлиб, “1960 йилдан буён 78 та мамлакатда 1000 дан ортиқ такомиллаштирилган шоли навлари яратилиб, амалиётга жорий этилган”[1]. Бугунги кунга қадар шўрга чидамли навларни яратиш бўйича энг йирик селекцион дастурлар Ҳиндистон, Бангладеш, Хитой, Вьетнам ва Филиппин мамлакатларида амалга оширилмоқда. Айниқса, “Ҳиндистонда шўрланган ерлар учун ўнлаб махсус навлар (CSR 46, CSR 49, CSR 52, CSR 56, CSR 60, CSR 76 ва бошқалар) яратилган бўлиб, улар ҳар йили бир миллион гектардан ортиқ майдонда экилади”[2]. Бироқ мавжуд навларнинг аксарияти юқори шўрланган шароитга етарли даражада чидамли эмас. Шу боис шўрланган майдонларда барқарор ҳосил бера оладиган, юқори маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган шўрга чидамли янги шоли навларини яратиш селекция фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёда тупроқ шўрланишининг кенгайиши туфайли барча қишлоқ хўжалиги экинларининг шўрга чидамли навлари селекцияси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Глобал иқлим ўзгариши, сув ресурслари танқислиги ва шўрланган ерлар майдонининг ортиши шароитида юқори ҳосилдор, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослашган ва шўр стрессини бартараф эта оладиган янги шоли навларини яратиш селекция фанининг зарур йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда 1,74 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ерлар турли даражада шўрланган, шундан 65,2 минг гектари юқори даражада шўрланган ерлар тоифасига киради. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларида шўрланиш энг юқори нуқтага етган. Тупроқ шўрланиши туфайли Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳар йили 4 триллион сўм атрофида зарар кўрмоқда. Кучли шўрланган ерларда экинлар ҳосилдорлиги 70-80 фоизгача камайиши кузатилмоқда. Оролбўйи минтақасида жойлашган Хоразм воҳасида бу кўрсаткич 90-95 фоизни ташкил этиб, шўрланган майдонлар миқдори янада ортиб бормоқда. Шўрланиш муҳити шоли майдонларида уруғларнинг дала унувчанлигини 30-40 фоиз, умумий ҳосилдорликни эса 25-35 фоизгача пасайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунгача селекционерларимиз томонидан 20 дан ортиқ шоли навлари яратилган, аммо шўрланишнинг турли даражаларига чидамли барқарор навлар етарли эмас. Шу боис республикада ҳам маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос, шўрга чидамли шоли навларини яратиш долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12-декабрдаги “Шоличиликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-

[1] https://releasedvarieties.irri.org/?utm_source=chatgpt.com

[2] https://www.mdpi.com/2673-4931/16/1/30?utm_source=chatgpt.com

тадбирлар тўғрисида”ги 986-сонли[3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4973 сонли қарорлари[4] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармонлари[5] бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида шоли генофонди намуналарининг маҳсулдорлик (биометрик), ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичларига асосан турли даражадаги шўрланишга чидамли бошланғич манбаларни танлаш, шўрланишга чидамли генотипларни амалий селекция ишларига жалб қилиш ва дурагайлаш орқали янги навларни яратиш каби селекцион ишлар кўплаб халқаро тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Long (2016), Yamaguchi ва Blumwald (2005) каби олимлар шоли экини учун шўрланишнинг салбий оқибатларини таҳлил қилган бўлсалар, Munns R. ва Flowers T.J. шолининг тузли стрессга чидамлилик механизмларини фундаментал асослаб берганлар. Шолининг генетик хилма-хиллиги ва ёввойи турдошларидан селекцияда фойдаланиш йўналишида Vaughan D.A. (1994), Ismail A.M., Gregorio G.B. ва Hoang (2016) каби хорижий олимлар томонидан муҳим изланишлар олиб борилган. Шунингдек, Осиё ва Европа минтақаларида Sangam Shubhada, Lutts S., Chen Li-Men ҳамда Kao Ching Hiei каби тадқиқотчилар шўрланиш шароитилда шоли генотипларининг адаптив имкониятларини баҳолаганлар.

Республикамизда шоличилик илмий мактабнинг шаклланишига М.И.Уклонская, П.А.Пулина, В.Ф.Щупаковский, И.И.Успенская, Н.И.Косарев, А.В.Нестерев каби олимлар муносиб ҳисса қўшганлар. Шоли селекцияси йўналишида Т.Э.Исхаков, Х.М.Бараев, М.Эрмонова, М.А.Саттаров, Б.Г.Қодиров, Б.И.Қаландаров, М.Й.Хайитов каби олимлар томонидан кўпгина қимматли навлар яратилган. Шоли экини тупроқни мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги аҳамияти борасида тадқиқотлар Г.П. Колесников (2007), Г.С.Красникова (2009) ва Д.Т. Абдукаримов (2007) лар томонидан кенг тадқиқ этилган.

Аммо, бугунги кунда кенг миқёсда экилаётган маҳаллий шоли навларининг шўрланишга нисбатан генетик, физиологик ва биокимёвий

[3] https://lex.uz/docs/4640331
[4] https://lex.uz/docs/5258722
[5] https://lex.uz/docs/5841063

имкониятларини қиёсий ўрганиш ва шу асосда ҳудудий жойлаштириш бўйича изланишлар ҳамон етарли эмас.

Тадқиқот мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг амалий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот режасининг ALM-2021202332 “Хоразм вилояти тупроқ - иқлим шароитларида шолининг юқори ҳосилли хорижий навларини синаш ва маҳаллий шароитларда уруғларини кўпайтириш” (2022-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм вилояти тупроқ-иқлими шароитида шоли генофондини баҳолаш асосида шўрланишга чидамли бўлган янги навларни яратиш учун бошланғич манба танлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шоли генофонди намуналарининг уруғ унувчанлиги, майса ва илдиз ривожланиши кўрсаткичлари бўйича шўрланишга чидамли генотипларни ажратиб олиш ҳамда уларнинг маҳсулдорлик белгиларини баҳолаш асосида селекция учун бошланғич манбалар танлаш;

танлаб олинган шоли нав ва намуналарининг вегетация давомийлиги, барг сатҳи шаклланиши ҳамда spad (яшиллилик даражаси) кўрсаткичларига тупроқ шўрланишининг таъсирини ўрганиш асосида селекция учун қимматли физиологик-биологик хусусиятларини баҳолаш;

шоли намуналарининг маҳсулдорлик (биометрик), ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичларига асосан турли даражадаги шўрланишга чидамли бошланғич манбаларни танлаш;

шоли намуналарининг асосий қимматли хўжалик белгиларини ўзаро боғлиқлиги ва ишончлилик кўрсаткичларига асосан шўрланишга бардошли генотипларни амалий селекция ишларига жалб қилиш;

шоли генофондидан шўрга бардошли танлаб олинган намуналарни, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқот объекти сифатида Хитой селекциясига мансуб 27 та, Вьетнамдан 14 та, Жанубий Кореядан 5 та, Россиядан 2 та ва маҳаллий 19 та жаҳон коллекцияси нав намуналари олинган.

Тадқиқот предмети турли даражада шўрланган ва типли (сульфат-хлоридли) тупроқ шароитларида шоли нав ва намуналари уруғларининг лаборатория ҳамда дала шароитида униб чиқиши, ўсимликларнинг морфо-физиологик ўсиш ва ривожланиш динамикаси, барг сатҳи ва хлорофилл миқдори, ҳосилдорликнинг биометрик кўрсаткичлари шаклланиши ҳамда доннинг технологик-сифат хусусиятларига тупроқ шўрланишининг таъсир этиш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг услублари. Тадқиқотда дала тажрибаларини олиб бориш, фенологик ва физиологик кузатувлар «Дала тажрибаси услублари» қўлланмаси асосида олиб борилди. Ҳосилни йиғиш, қимматли хўжалик белгиларини таҳлил қилиш ишлари «Қишлоқ хўжалик экинларини Давлат нав синаш комиссиясининг услуби» бўйича олиб борилди. Шоли навларининг

шўрланишга чидамлилиги Удовенко ва Воробьев (1999) услублари бўйича баҳоланди. Дурагайлаш таҳлили Юрьев, Твелл ҳамда Beil ва Atkins услублари асосида амалга оширилди. Барг сатҳи майдони Palaniswamy услуби (1974) бўйича ҳисобланиб, олинган маълумотларнинг математик-статистик ва дисперсион таҳлиллари (ANOVA) Б.А. Доспехов (1985) услуби ҳамда OriginPro ва Excel дастури ёрдамида бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор дунё шоли генофондининг 67 та генотиплари турли хил ва даражадаги шўрланиш шароитида лаборатория унувчанлиги мажмуавий баҳоланиб, намуналарнинг 49,2 фоизи юқори ва ўрта даражада чидамлиликни намоён этган ҳамда андоза навларга нисбатан 4-12 % га юқори унувчанлик кўрсатган истиқболли намуналар ажратиб олинган;

кучли хлорли ва сульфатли шўрланиш муҳитида (Cl->0,2%; SO42- > 3,0%) дастлабки ўсиш фазасида илдиз ва майса узунлиги бўйича андоза навларга нисбатан 3,3-3,6 см юқори натижа кўрсатган генотиплар танлаб олинган ва уларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича ноқулай шароитларга мослашувчанлик хусусиятлари илмий асослаб берилган;

шоли генофонди намуналари вегетация даврининг давомийлиги бўйича 3 та (93-107 кунлик эртапишар, 112-125 кунлик ўртапишар ва 126-132 кунлик кечпишар) гуруҳларга ажратилиб, истиқболли генотипларнинг амал даври ва ҳосилдорлик элементлари ўртасидаги боғлиқликлар аниқланган ҳамда кучли шўрланишда барглардаги хлорофилл миқдори (SPAD) андозаларга нисбатан 15-22% га юқори бўлган намуналар ажратилган;

турли даражада шўрланган тупроқ муҳитида дон ҳосилдорлиги 65,2-74,4 ц/га, бир туп ўсимлик туп маҳсулдорлиги 2,5-3,3 г, гуруч чиқими 65,1-67,8 % ва шишасимонлиги 94,1-95,5 % юқори натижа кўрсатган, 1000 дона дон вазни 29,8-31,5 г бўлган генотиплар шўрланишга бардошли янги навларни яратиш учун қимматли селекцион манбалар сифатида илмий жиҳатдан асосланган

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ-иқлим шароитида дунёнинг етакчи шоличилик марказларидан (Хитой, Вьетнам, Жанубий Корея, Россия) келтирилган 67 та нав ва намуналарнинг вегетация даври давомийлигига кўра эртапишар (93-107 кун), ўртапишар (112-125 кун) ва кечпишар (126-135 кун) гуруҳларга ажратилиб, экологик синови асосида генетик фонд шакллантирилиб, турли даражада шўрланган тупроқ шароитида мос бўлган янги 4 та истиқболли генотип танлаб олинган

Хоразм вилоятининг ўзига хос сульфат-хлоридли шўрланиш шароитида ўтказилган кўп йиллик экологик синовлар натижасида, андоза навларга нисбатан юқори биологик ва иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган LD-2022.2, KC-2022.2, GG-2022.2 ва NZ-2022.2 намуналар танлаб олинган ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти ген банкига тақдим етилган ҳамда намуналар шолининг янги Лидер, Манзур, Гигант ва Йўлдош номлари билан ишлаб чиқаришга жорий этилган;

жорий этилган навлар Хоразм вилоятининг Шовот ва Урганч

туманларида жами 341,8 гектар майдонда ўтказилган синовларда ушбу навлардан ўртача 63,8 ц/га ҳосил олинишига эришилиб, ҳар бир гектардан олинган соф фойда ўртача 18 667,4 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 39,7% ни ташкил этган ва ҳудуддаги шоличилик хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли даражада шўрланган тупроқ шароитларида шоли генотипларининг мослашувчанлиги, морфо-физиологик ва технологик хусусиятлари бўйича генотипик таъсирчанлиги аниқланганлиги, шўрланиш стресси таъсирида физиологик, морфологик кўрсаткичлар ва дон сифатининг ҳосилдорликни шаклланишига таъсир механизмлари ҳамда корреляцион боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шўрланган тупроқларда генетик потенциали ва шўрга бардошлилик даражаси юқори бўлган истиқболли намуналар саралаб олинганлиги, селекция жараёни учун қимматли бошланғич манбалар ҳамда ишлаб чиқаришга янги “Лидер”, “Манзур”, “Гигант” ва “Йўлдош” каби навлар тадбиқ этилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шоли навларининг турли даражада шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида шўрланишга бардошлилигини баҳолаш ва нав яратиш учун бошланғич манбалар танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

шолининг шўрланишга чидамли, маҳаллий шароитларга мослашган, ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган NZ-2022.2 (Йўлдош), KC-2022.2 (Манзур), LD-2022.2 (Лидер) ва GG-2022.2 (Гигант) янги навларининг уруғлари Ўсимликлар генетик ресурслари илмий- тадқиқот институти Қишлоқ хўжалик экинлари Миллий генбанкига келажак авлодлар учун кафолатли сақлаш мақсадида қабул қилинган ҳамда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 26 февралдаги 05/05-03-116-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур навлар шоли коллекциясини бойитиш, шўрга чидамли навлар яратишда бирламчи манба сифатида фойдаланиш имконини берган;

Хоразм вилояти шароитида асосий экин сифатида шолининг “Ризқ” (Лидер) нави май ойининг биринчи декадасида ҳамда такрорий экин сифатида “Йўлдош” нави июн ойининг учинчи декадасида экиб, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш асосида Хоразм вилояти Шовот туманида жойлашган “Илёс Шамсия”, “Умида”, “Шодия Хусния”, фермер хўжаликларида 293,4 гектар, Урганч туманида жойлашган “Реал Элита Уруғ”, “Урганч агро Оқолтин” фермер хўжаликларида 48,4 гектар, Хоразм вилоятида жами 341,8 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 26 февралдаги 05/05-03-116-сон маълумотномаси). Натижада, “Йўлдош” навининг ҳосилдорлиги 62,6 ц/га ни ташкил этиб, гектаридан 17905,5 минг сўм

соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 37,6% ни ҳамда “Ризқ” (Лидер) навининг ҳосилдорлиги 64,6 ц/га ни ташкил этиб, гектаридан 19171 минг сўм соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 41,1% бўлишига эришилган;

Тадқиқотлар натижасида яратилган навлар Хоразм вилоятининг Шовот ҳамда Урганч туманида 2024-йилда 140,2 гектар, 2025 йилда 201,6 гектар, жами 341,8 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 26 февралдаги 05/05-03-116-сон маълумотномаси). Натижада, ўртача 63,8 центнер ҳосилдорликка эришилиб, гектаридан 18667,4 минг сўм соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 39,7% ни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 4 та республика илмий-амалий анжуманларда ва 2 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг амалий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Шўрланиш шароитида шоли навларининг бардошлилигини баҳолаш ва истиқболли навларни танлаш бўйича хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида “Минтақавий шўрланиш стресси ва шоли етиштиришда инновацион рақамли технологияларнинг роли”, “Шоли генотипларининг шўрланишга мослашув механизмлари ва тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш стратегиялари”, “Республикамизда шоли етиштиришнинг илмий асослари ва шўрланган тупроқлар мелиорацияси” бўйича маълумотлар келтирилиб, хусусан, шоли генотипларининг физиологик ва морфохўжалик белгиларида стрессга қарши мослашув жараёнлари ҳамда генотип-муҳитнинг ўзаро таъсир реакциялари таҳлил қилинган. Навларнинг ҳосилдорлик бўйича барқарорлик

ва пластиклик индекслари, шунингдек, ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий ва физиологик кўрсаткичлар ўртасидаги ижобий корреляцион боғлиқликлар аниқланган. Ушбу кўрсаткичларни тезкор баҳолашда сунъий интеллект ва масофавий мониторинг технологияларининг роли очиб берилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот амалга оширилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тажрибаларни ташкил этиш услублари ва қўлланилган агротехник тадбирлар»** деб номланган иккинчи бобида бўйича олиб борилган тадқиқот шароитлари ва объектлари, услублари кенг ёритиб берилган. Тадқиқот манбаси сифатида шолининг хорижий коллекция намуналарининг шўрланишнинг турли вариантларида морфо-физиологик ва биологик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган. Тажриба натижаларининг ишончлилиги дисперцион ва коррелятцион таҳлиллар орқали аниқланган.

Диссертациянинг **«Шоли генотипларининг тупроқ шўрланишига бардошлилиги ва қимматли хўжалик кўрсаткичлари таҳлили**» деб номланган учинчи бобида лаборатория шароитида 67 та шоли намуналарини NaCl ва SO_4 шўрланишининг 9 вариантида уруғ унвчанлиги таҳлил қилинган. Бунда хлорли шўрланиш (Cl) сулфатга (SO_4) қараганда кучлироқ токсик таъсир кўрсатиб, ўта кучли хлорли муҳитда (5-V, Cl > 0.2%) кечпишар намуналарнинг унувчанлиги 0,0-16,2% гача тушиб кетганлиги аниқланган. Ўтказилган кластер таҳлили натижасида 67 та намуна 9 та гуруҳга ажратилиб, улардан энг юқори чидамли генотиплар сифатида LD-2022.2, KC-2022.2, NZ-2022.2 va GG-2022.2 навлари аниқланган. Ушбу навлар кучли шўрланиш шароитларида (Cl > 0.2% ва SO_4 > 3.0%) ҳам ўз унувчанлигини юқори даражада сақлаб қолиб, бошқа навлардан кескин ижобий фарқланган. Ўртача мослашувчан гуруҳлар RK-2022.2, OL-2022.2 ва Нукус-2 (андоза) навлар шўрланишнинг ўртача даражаларида барқарор натижа кўрсатсада, стресс омилининг энг юқори консентрацияларида унувчанлик кўрсаткичлари 20-27% гача пасайганлиги аниқланган.

OriginPro ва кластер таҳлил усуллари ёрдамида 67 та шоли генотипининг шўрланиш стрессига реакцияси 9 та гуруҳга ажратилган ҳолда ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, 1-кластерга мансуб LD-2022.2 ва KC-2022.2, ҳамда 2-кластердаги NZ-2022.2 ва GG-2022.2 навлари ўта кучли шўрланиш шароитида ҳам юқори чидамлилик ва унувчанликни сақлаган. 3- ва 4-кластердаги генотиплар ўртача чидамлиликни кўрсатган, 5- ва 6-кластер намуналари эса фақат шўрланишнинг паст даражаларида барқарорлик сақлаган. 7-, 8- ва 9-кластерларга мансуб намуналар туз концентрацияси ортиши билан умуман ўсмаган. Ушбу статистик таҳлил селекция жараёнида хатоликларни камайтирган ва дурагайлаш ишлари учун энг истиқболли ота-она шаклларини аниқлашда юқори ишончлиликни таъминлаган (1-расм).



1-расм. Турли шўрланиш вариантларида намуналарнинг гуруҳланиши

Шўрланиш стрессининг майса ва илдиз кўрсаткичларига таъсири бўйича натижаларда шўрланиш даражасининг ортиши шоли майсаларининг биометрик кўрсаткичларига тескари пропорсионал таъсир кўрсатди. Назорат (1-v) вариантида поя узунлиги ўртача 8,32 смни ташкил этган бўлса, ўта кучли хлоридли шўрланишда (5-v) бу кўрсаткич 0,95 смгача пасайган (1-жавдал).

1-жавдал

Шўрланиш даражасига қараб шоли майсаларининг бўйи ва илдиз узунлиги массаси(2023 йил)

№	Намуналар	1-V (st)	2-V	3-V	4-V	5-V	6-V	7-V	8-V	9-V
1	LD-2022,2	9,9/9,4	9,5/8,7	7,8/6,8	5,5/4,2	3,6/2,4	9,7/9,0	8,2/7,2	6,2/5,1	4,0/2,6
2	KS-2022,2 (	9,7/9,1	9,2/8,3	7,4/6,3	5,1/3,9	3,3/2,1	9,4/8,6	7,9/6,9	5,8/4,5	3,7/2,3
3	NZ-2022,2	9,4/8,8	8,9/7,9	7,1/6,0	4,8/3,5	3,1/1,9	9,1/8,2	7,6/6,5	5,5/4,1	3,4/2,2
4	GG-2022,2	9,3/8,7	8,8/7,8	6,9/5,8	4,6/3,3	2,8/1,7	9,0/8,1	7,4/6,3	5,3/3,9	3,2/2,1
5	Water 127-132,2	9,2/8,4	8,5/7,2	6,8/5,4	4,2/3,1	2,4/1,5	8,9/7,8	7,2/5,8	5,1/3,6	3,3/2,1
6	DONGJIN,2	9,1/8,3	8,4/7,1	6,7/5,2	4,0/3,0	2,2/1,4	8,8/7,5	7,0/5,6	4,8/3,3	3,1/1,9
7	XITOY 123,1	9,1/8,5	8,4/7,3	6,5/5,4	4,4/3,3	0,6/0,2	8,8/7,8	7,3/6,0	5,3/3,9	0,7/0,2
8	OM-5451,2	9,0/8,4	8,3/7,2	6,3/5,2	4,2/3,1	0,5/0,2	8,7/7,7	7,1/5,8	5,1/3,7	0,6/0,2
9	RK-2022,2	8,9/8,3	8,2/7,1	6,2/5,1	4,1/3,0	2,3/1,5	8,6/7,6	7,0/5,7	5,0/3,6	2,6/1,8
10	OM-7347,2	8,8/8,2	8,0/6,9	6,0/4,9	3,8/2,7	0,8/0,3	8,4/7,4	6,7/5,4	4,7/3,3	0,8/0,3
11	St, Nukus-2	8,8/8,2	7,9/6,4	5,8/4,4	4,7/3,0	2,6/1,6	8,4/7,1	6,4/4,9	4,5/3,1	2,3/1,3
12	OM- 18,2	8,7/8,1	7,9/6,8	5,9/4,8	3,7/2,6	0/0	8,3/7,3	6,6/5,3	4,6/3,2	0/0
13	OL-2022,2	8,7/8,1	8,0/6,9	6,0/4,9	3,8/2,7	2,0/1,3	8,4/7,4	6,8/5,5	4,8/3,4	2,4/1,5
14	St, Iskandar	8,6/8,0	7,6/6,2	5,5/4,2	3,3/2,1	1,6/0,8	8,2/6,9	6,1/4,7	4,2/2,7	2,0/1,1
15	Vetnam 1,2	8,6/7,9	7,8/6,6	5,8/4,6	3,5/2,4	0,6/0,2	8,2/7,1	6,4/5,1	4,4/2,9	0,8/0,3
16	Sanet,2	8,6/7,9	7,7/6,4	5,7/4,4	3,4/2,2	0,1/0,0	8,1/6,9	6,3/4,8	3,8/2,3	0,2/0,1
17	PL-2022,2	8,6/8,0	7,9/6,8	5,9/4,8	3,7/2,6	1,8/1,2	8,3/7,3	6,7/5,4	4,7/3,3	2,2/1,3
18	St, Lazurniy	8,4/7,9	7,4/5,8	5,3/3,9	3,1/1,8	1,5/0,7	8,0/6,7	5,9/4,4	3,9/2,4	1,8/0,9

Изох:Ушбу жавдалда 67 та намуналар орасида юқори натижа кўрсатган намуналар келтирилган.

Хлоридли шўрланиш сулфатлига қараганда кучлироқ ионли токциклик намоён этиб, намуналарнинг 80% дан ортиғида ривожланишнинг бутунлай тўхташига (0/0 см) сабаб бўлган. Янги селекция намуналари - LD-2022.2 (3,6/2,4 sm), KC-2022.2 va NZ-2022.2 кучли шўрланган шароитда ҳам илдиз ва поя шаклланишини меъёрида сақлаб қолган ҳолда, андоза навлардан (Нукус-2, Искандар) 2,0-2,5 баравар юқори натижа кўрсатган.

Шўрланиш стресси таъсирида вариация коэффициентининг 6,5% дан 86,3% гача кескин ортиши генотипларнинг шўрга реакцияси бўйича кучли дифференциацияланганини, $НСР_{05}$ (0,18-0,32 см) қийматлари эса олинган тафовутларнинг статистик жиҳатдан асосли эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг учинчи боб иккинчи ва учунчи бўлимларида лаборатория таҳлиллари натижасида қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаб олинган 9 та истиқболли, жумладан: 3 та эртапишар, 3 та ўртапишар ва 3 та кечпишар намуналар ҳамда 3 та андоза (эрта пиашар Нукус-2, ўртапишар Искандар, кечпишар Лазурний) навлари дала шароитида экиб ўрганилган. Дала унувчанлиги бўйича натижаларда шўрланмаган назорат фонида ўртача унувчанлик 54,5% ни ташкил этган. Шўрланиш даражаси ортиши билан бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайган. Хусусан кучли хлоридли (Cl 0,1-0,2) шўрланишда унувчанлик 34,1% гача, кучли сульфатли (SO4 2,0-3,0) шўрланишда эса 36,1% гача камайган. Танлаб олинган истиқболли намуналар (LD-2022.2, KC-2022.2, NZ-2022.2) андоза навларга (Нукус-2, Искандар, Лазурный) нисбатан барча вариантларда унувчанликни 4-12% га юқори сақлаб қолаган. LD-2022.2 намунаси 50,27% ўртача унувчанлик билан энг юқори натижани намойиш этган.


Ўсимлик сони зичлиги ва маҳсулдорлик бўйича натижаларда шўрланиш даражаси ортиши билан кўчат қалинлиги ҳам камайган. Назоратда 1 м² майдонда ўртача 263,9 дона ўсимлик кузатилган бўлса, кучли хлоридли (Cl 0,1-0,2) шўрланишда бу кўрсаткич 180,0 донагача тушган. Бироқ, истиқболли намуналар оптимал кўчат қалинлигини таъминлашда андозалардан устун бўлган. Жумладан, эртапишар KC-2022.2 намунасида кучли хлоридли шўрланишда 199±1,2, андозадан +44, УП ТШД-26 намунаси 201±0,9 дона/м² кўчат сонини сақлаб қолиб, андозадан +46 донага устунлик қилган. Кечпишар GG-2022.2 (212±1,0 дона/м²) ва ЭП-327-01 (214±1,0 дона/м²) намуларда андозадан шу кучли варинтда +70, +72 дона кўп ўсимлик шаклланганлиги аниқланган.

Маҳсулдор поя шакллантириш бўйича олинган натижаларда истиқболли намуналар шўрланган муҳитда ҳам тупланиш коэффициентини юқори сақлаб қолган. Жумладан LD-2022.2 намунаси кучли хлоридли шўрланишда 209,3±4,6 дона/м² маҳсулдор поя ҳосил қилиб, андозадан +13,5 донага, GG-2022.2 намунаси эса кучли хлоридли варинатда 191,7±3,5 дона/м² кўрсаткич билан андозадан +26,1 донага юқори натижа қайд этган. Танлаб олинган истиқболли LD-2022.2, KC-2022.2, NZ-2022.2 намуналари стресс шароитида маҳсулдор поялар зичлигини ва кўчат қалинлигини таъминлаш орқали

шўрланган майдонларда ҳосилдорликни оширишда илмий амалий аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

Ривожланиш фазалари бўйича олиб борилган таҳлиллар эса эртапишар (KC-2022.2, NZ-2022.2, УП ТШД-26), ўртапишар (LD-2022.2, GL-2022.2, RK-2022.2) ва кечпишар (GG-2022.2, ЭП-327-01, KP Tantan 121) гуруҳлари кучли шўрланиш таъсирида вегетация даври 10-12 кунгача узайган бўлиб, андоза навлардан (Нукус-2, Искандар, Лазурный) 2-5 кун эртароқ пишиб етилиши ва юқори мослашувчанлик хусусиятига эгалигини кўрсатган.

Диссертациянинг учуинчи боб, тўртинчи ва бешинчи бўлимларида “Шоли навларининг барг сатҳи ва SPAD (яшиллилик даражаси) кўрсаткичи таҳлили келтрилган. Барг сатҳи бўйича таҳлилларда кучли шўрланиш варинтида (Cl 0,1-0,2%, SO_4 2,0-3,0%) намуналарнинг барг юзасини сақлаб қолишда юқори натижаларни кўрсатган. Масалан, эртапишар NZ-2022.2 намунаси рўваклаш фазасида кучли хлоридли муҳитда 145,8±11,8 см² барг сатҳини сақлаб қолиб, "Нукус-2" андозасига (126,0±10,2 см²) нисбатан 19,8 см² га юқори натижа қайд этган. Ўртапишар намуналардан RK-2022.2 рўваклашда кучли сульфатли варинтида 161,2±12,2 см² кўрсаткич билан андоза "Искандар" (148,5 см²) навидан 12,7 см² га юқори бўлган. Кечпишар ЭП-327-01 намунаси эса кучли сульфатли муҳитда 170,5±13,1 см² барг юзаси билан "Лазурный" андоза (162,5±12,2 см²) навидан 8,0 см² га юқори натижаларни намоён этган (2-расм).



2-расм. Навлар ва шўрланиш варинтлари бўйича SPAD кўрсаткичлари

SPAD (яшиллилик даражаси) таҳлилида хлорофилл миқдори бўйича ўтказилган таҳлиллар кучли шўрланишда истиқболли намуналар андозаларга нисбатан 2,0 дан 6,8 бирликкача юқори натижа берганлиги кузатилган. Хусусан эртапишар NZ-2022.2 намунаси кучли сульфатли муҳитда 41,8 ± 0,8 бирлик натижа билан андоза Нукус-2 навидан (37,5 ± 1,2 бирлик) 4,3 бирликка юқори бўлганлиги аниқланган. Ўртапишар LD-2022.2 намунаси кучли

хлоридли муҳитда 39,8 ± 1,0 бирлик натижа билан Искандар андозасидан (37,8 ± 0,8 бирлик) 2,0 бирликка юқорилиги кузатилган. Кечпишар GG-2022.2 намунаси кучли хлоридли муҳитда 41,5 ± 1,0 бирлик натижа билан Лазурный андозадан (34,7 ± 1,1 бирлик) 6,8 бирликка сезиларли даражада юқори натижа қайид этилган. Мазкур кўрсаткичлар кучли шўрланиш шароитида ҳам LD-2022.2, KC-2022.2, NZ-2022.2 ва GG-2022.2 генотиплари фотосинтетик фаолликни ҳамда вегетатив массани барқарор сақлаб қолганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **«Шоли намуналарининг қимматли хўжалик белгиларига шўрланишнинг таъсири»** деб номланган тўртинчи бобида танлаб олинган шоли намуналарининг маҳсулдорлик, биометрик, ҳосилдорлик ва дон сифати кўрсаткичларига шўрланишнинг таъсири таҳлил қилинди. Натижаларга кўра, шўрланиш стресси 1 м² даги ўсимликлар сони эртапишар намуналардан KC-2022.2 назорат шароитида 216±5,2 дона/м² ўсимлик, кучли хлоридли шўрланишда NZ-2022.2 155±4,1 дона/м² ўсимлик шакллантириб, андоза Нукус-2 навидан юқори натижа кўрсатди. УП ТШД-2 намунасида тўпланиш коэффициенти назоратда 1,45±0,06, кучсиз шўрланишда 1,64±0,07 ни ташкил этди. Ўртапишар намуналардан RK-2022.2 назорат шароитида 316,8±11,2 дона/м² маҳсулдор поя шакллантириб, андоза Искандар навидан 22,8 донага юқори натижа кўрсатди. LD-2022.2 кучли хлоридли шўрланишда 209,3±6,9 дона/м² маҳсулдор поя ҳосил қилиб, андозадан 13,5 донага юқори натижа қайд этди. Кучли сульфатли шўрланишда мазкур намуна 75,5±2,1 дона тўлиқ дон шакллантирди. Кечпишар намуналардан GG-2022.2 намунасида 1 м² даги ўсимлик сони 198±4,7 дона бўлгани ҳолда, тўпланиш коэффициентининг 1,50±0,06 бирликни ташкил этгани маҳсулдор поялар сонини 297±9,2 донагача ошишига олиб келганлиги аниқланган. Кучли сульфатли шўрланишда 186,3±6,2 дона маҳсулдор поя, кучли хлоридли шўрланишда эса 82,2±2,5 дона тўлиқ донни сақлаб қолди. KC-2022.2 намунасида рўвак узунлиги 21,0±0,7 см, битта рўвакдаги дон вазни 2,16±0,11 г ни ташкил этди. Натижада, KC-2022.2, УП ТШД-2, RK-2022.2, LD-2022.2 ва GG-2022.2 намуналари шўрланишга мослашувчанлиги ва ҳосил элементларини сақлаб қолиш хусусияти билан ажралиб, селекция учун истиқболли манбалар сифатида танлаб олинган.

Ҳосилдорлик бўйича олинган натижаларда намуналар шўрланишнинг барча даражаларида андоза навларга нисбатан сезиларли даражада юқори ҳосилдорликни намойиш этганлиги қайид этилган. Назорат (Cl < 0,01%) фонида RK-2022.2 (74,4±0,8 ц/га) ва GG-2022.2 (72,1±1,2 ц/га) намуналари энг юқори натижаларни қайд этган бўлса, LD-2022.2 (65,2±1,4 ц/га) ва GL-2022.2 (71,0±1,6 ц/га) намуналарида ҳам юқори ҳосилдорлик даражасини сақлаб қолган. Кучли шўрланиш шароитида (Cl 0,1-0,2% ва SO_4 2,0-3,0%) намуналарнинг ҳосилдорлиги 37,3-44,6 ц/га оралиғида фарқланганлиги кузатилган. Хусусан, кучли хлоридли (Cl 0,1-0,2%) вариантда УП ТШД-26 намунаси 44,6±0,3 ц/га ҳосил бериб, "Нукус-2" андоза навининг (26,3±0,4 ц/га) кўрсаткичидан 18,3 ц/га га юқори натижа кўрсатган (2-жадвал).

Ўртапишар гуруҳда эса LD-2022.2 намунаси кучли хлоридли шўрланишда 40,5±0,4 ц/га ва кучли сульфатли (SO_4 2,0-3,0%) муҳитда 44,2±0,7 ц/га ҳосилдорлик билан "Искандар" андоза навидан (35,5 ва 30,5 ц/га) мос равишда 5,0 ва 13,7 ц/га га юқори бўлганлиги қайид этилган. Кечпишар GG-2022.2 намунаси кучли сульфатли (SO_4 2,0-3,0%) муҳитда 41,8±0,6 ц/га ҳосилдорликни сақлаб қолиб, "Лазурный" андоза навидан (30,3±0,3 ц/га) 11,5 ц/га га юқори натижа қайд этганлиги аниқланган.

2-жавдал


Намуналарнинг ҳосилдорлик натижалари, ц/га (2023-2025 йиллар)

Намуналар	Назорат (Cl<0,01)	Кучсиз, (Cl 0,01-0,03)	Ўртача, (Cl 0,03-0,1)	Кучли, (Cl 0,1-0,2)	Андозадан фарқи	Кучсиз, (SO4 0,3-1,0)	Ўртача, (SO4 1,0-2,0)	Кучли (SO4 2,0-3,0)	Андозадан фарқи
KC-2022.2	71,3±1,0	59,0±1,2	50,2±1,1	40,8±0,6	14,5	63,9±0,8	52,9±1,1	41,5±0,8	12
NZ-2022.2	70,3±1,1	60,8±0,9	45,4±0,8	36,5±0,5	10,2	65,9±1,3	51,9±0,9	40,2±0,6	10,7
УП ТШД-2	61,5±1,5	55,9±1,1	50,5±0,6	44,6±0,3	18,3	58,9±1,4	51,5±0,8	43,3±0,5	13,8
St, Нукус	59,8±0,9	51,8±0,7	39,7±0,5	26,3±0,4	-	55,9±1,0	44,5±0,7	29,5±0,4	-
LD-2022.2	65,2±1,4	58,7±1,3	53,9±0,9	40,5±0,4	5,5	61,4±1,2	55,3±1,0	44,2±0,7	13,7
GL-2022.2	71,0±1,6	57,6±1,0	47,5±0,8	35,4±0,7	0,4	56,4±0,9	51,2±1,2	33,5±0,6	3
RK-2022.2	74,4±0,8	57,4±0,6	49,4±0,7	36,2±0,4	1,3	58,2±0,9	53.8±0,7	35,7±0,3	5,2
St, Исканд	65,4±1,3	56,1±0,8	48,5±0,9	35,5±0,5	-	62,5±1,1	59,4±0,4	30,5±0,2	-
GG-2022.2	72,1±1,2	62,7±0,8	46,7±0,7	37,3±0,5	2,3	66,3±1,1	53,3±0,9	41,8±0,6	11,5
ЭП-327-01	66,7±1,2	56,0±0,9	47,6±0,7	30,0±0,4	-5,0	60,7±1,0	49,8±0,8	30,4±0,5	0,1
KP Tantan	60,8±0,7	53,2±0,5	42,2±0,4	32,5±0,3	-2,5	56,3±0,8	42,0±0,6	35,0±0,4	4,7
St, Лазур	58,6±1,0	53,4±0,8	48,2±0,9	35,0±0,2	-	56,3±1,1	30,9±0,9	30,3±0,3	-

Дон сифати таҳлиллари истиқболли намуналарнинг андозаларга нисбатан крахмал миқдори ва шишасимонлик даражаси бўйича юқори натижа кўрсатган. LD-2022.2 намунасида крахмал миқдори 81,2±0,8% ни, ЭП-327-01 намунасида эса 81,1±0,5% ни ташкил этиб, андоза навлардан (76,8-77,2%) сезиларли даражада юқори натижа берган. Шишасимонлик даражаси бўйича эса KC-2022.2 (95,5±0,6%) ва GL-2022.2 (95,2±0,7%) намуналари энг юқори натижа кўрсатганлиги аниқланган. Мазкур юқори кўрсаткичлар ҳисобига KC-2022.2 намунасидан 67,8±0,7% миқдорида гуруч олинган бўлиб, бу "Нукус-2" андозасидан (64,0±0,4%) 3,8% га юқори бўлганлиги кузатилган. Шишасимонлик даражаси доннинг пишиқлигини ва технологик мустаҳкамлигини белгиловчи асосий омил сифатида KC-2022.2 (95,5±0,6%) ва GL-2022.2 (95,2±0,7%) намуналарида энг юқори даражада кузатилган. Бу кўрсаткичлар бевосита гуруч чиқиш фоизига ижобий таъсир кўрсатганлиги, хусусан, KC-2022.2 намунасидан 67,8±0,7% гуруч олинганлиги, "Нукус-2" андозасидан (64,0±0,4%) 3,8% га юқори сифатли маҳсулот олиш имконини берганлиги таъминланган. Ўртапишар GL-2022.2 (67,5±0,6%) ва RK-2022.2 (65,7±0,7%) намуналари ҳам юқори шишасимонлик ҳисобига сифатли гуруч чиқишини таъминлаганлиги кузатилган. Пўстлилик даражасининг пастлиги ҳам дон сифатини яхшиловчи омил сифатида аҳамиятли бўлган. Жумладан, LD-2022.2 (17,8±0,2%), ЭП-327-01 (17,9±0,3%) ва GG-2022.2 (18,0±0,4%)

